

Меҳмондорчилик



12:00 / 23.05.2021 5594

Абу Шурайх ал-Каъбий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин. Унинг мукофоти бир кечаю бир кундуз. Меҳмонлик уч кун. Ундан кейингиси садақадир. Унга токи уни (меzbонни) тангликка солгунча турмоғи ҳалол бўлмас», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда меҳмонни иззат-икром қилиш зарур эканлигини таъкидлаш билан бирга, меҳмонга кўрсатиладиган меҳмондўстлик қандай бўлиши ҳақида ҳам маълумотлар берилмоқда. Аввало, гап меҳмоннинг икромни лозимлиги ҳақидаги таъкид билан бошланмоқда.

«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин».

Яъни кимнинг Аллоҳ таолога иймон келтирганлиги ҳақида, охират кунига иймон келтирганлиги ҳақида даъвоси бўлса, буни ўз меҳмонини икром қилиш билан тасдиқласин.

«Унинг мукофоти бир кечаю бир кундуз».

Яъни меҳмонни алоҳида икром билан ортиқча иззатлаш, одатдагидан ташқари таомлар билан зиёфат қилиш бир кечаю бир кундуз давомидадир. Ўша нарса меҳмоннинг ҳаққи ҳисобланади.

«Меҳмонлик уч кун».

Бу уч куннинг ичида юқорида зикри келган бир кунлик мукофот куни ҳам бор. Меҳмон бир кун одатдагидан ташқари таомлар билан иззат-икромни жойига қўйилганидан кейин зиёфат деб номланган, мукофотдан бир даража паст бўладиган икки кун қолади. У икки кунда мезбон меҳмонга ўзи одатда тановул қиладиган таомидан бериши меҳмоннинг ҳаққи ҳисобланади. Агар мезбон ортиқча таом берса, ўзининг ҳимматига боғлиқ. Лекин меҳмонга ўзи одатдаги тановул қиладиган таомидан оз беришга унинг ҳаққи йўқ.

«Ундан кейингиси садақадир».

Яъни уч кунлик зиёфатдан кейин мезбон томонидан меҳмонга бериладиган нарса садақадир. Садақа бериш садақа берувчининг ихтиёрида бўлганидек, мезбон меҳмонга уч кундан кейин хоҳлаганича беради. Бермаса ҳам, ҳеч ким уни маломат қила олмайди.

Бу қоида тариқасида айтилган гап. Аммо воқеликда мусулмонлар ўз меҳмонларини олий даражада, кун санамай, таом миқдорини ўлчамай, ўта сахийлик билан зиёфат қиладилар.

«Унга токи уни (мезбонни) тангликка солгунча турмоғи ҳалол бўлмас».

Яъни меҳмон учун токи мезбонни тангликка солгунча унинг уйида меҳмон бўлиб туриши ҳалол бўлмайди. Меҳмон ҳам ўз иззати чегарасини билиши керак. У меҳмонликда узоқ қолиб кетиб, мезбонга танглик туғдириб қўймаслиги лозим.

Бизлар хоҳ меҳмон бўлайлик, хоҳ мезбон бўлайлик, динимиз
кўрсатмаларига тўлиқ амал қилиб, бу борада исломий одоб доирасида
бўлмоғимиз даркор.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)